



№5

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI



**ISSN: 2181-3965
VOLUME 5
TOSHKENT 2026**

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, O‘quv ishlari bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Abdurahmanova Gulnora Qalandarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Karimova Komila Daniyarovna - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Yoshlar masalalari va ma‘naviy-marifiy ishlar bo‘yicha birinchi prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Xudoyqulov Sadirdin Karimovich - Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Hududiy ta‘lim masalalari va markazlar bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti, Infratuzilmalarni rivojlantirish va iqtisod ishlari bo‘yicha prorektor, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Baymurotov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisodiyot fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – texnika fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vaziri

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)





Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo'yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)

Jo'rayev Abdug'affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va Innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg'ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent

Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Nurmanov Ulug'bek Anorbayevich - Bank-moliya akademiyasi “Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasida professori, iqtisodiyot fanlari doktori

Yakubova Nargiz Tursunbayevna – iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent

Mamatov Baxadir Safaraliyevich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Qiyosov Sherzod Uralovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Urazaliyev Kamoliddin Tajikulovich – iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo'rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Aliqulov Mehmonali Salohiddin o'g'li – mas'ul muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori (DSc), dotsent

Buxorova Moxira Samandarovna – muharrir

O'zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro'yxatiga kiritilgan.

“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali

23.11.2022-yildan

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan **№R-566966** reyestr raqami tartibi bo'yicha ro'yxatdan o'tkazilgan.

Litsenziya raqami: **№049864**





MUNDARIJA			
1.	Meyliyev Obid Raxmatullaevich	Soliqlarning byudjet daromadlaridagi ahamiyatini oshirish	7
2.	Мирзаева Матлуба Файбулла кизи	Тижорат банкларининг капитал базасини мустахкамлашнинг методологик ва амалий асосларини такомиллаштириш	14
3.	Жабборов Насриддин Мирзаодилович, Юнусова Шохсанам Муротовна, Бебугова Зулайхо Хамидовна, Сафарова Севара Кахрамон кизи	Тошкент вилояти туристик ҳудудлари имижини модели учун барқарорлик таҳлили	19
4.	Мухамедова Севара Абдуллаевна	Тижорат банкларида кичик бизнес лойиҳаларини кредитлашда банк таваккалчиликларини баҳолаш ва бошқариш тизими	27
5.	Abduqayumov Elyorbek Ulug'bek o'g'li, Yo'ldosheva Oygul Zokir qizi	Janubiy Koreya kinoindustriyasining iqtisodiy rivojlanishdagi o'rni va ta'siri	33
6.	Umarova Shahnoza	Moliyaviy faoliyat bo'yicha baholangan majburiyatlar hisobini takomillashtirish	40
7.	Muydinov Xusniddin Nuriddin o'g'li	Avtomobilsozlik korxonalarining xarajat samaradorligini ekonometrik modellash	46
8.	Akromov Shohrux Shuhrat o'g'li	O'zbekistonda auditorlik faoliyatini tashkil etishning zaruriyati va uning ahamiyati	57
9.	Kurbanbayev Jurabek Eruvbayevich, Akromov Shohrux Shuhrat o'g'li	Auditorlik tekshiruvlarida tashqi tasdiqlardan foydalanish va ichki nazorat tizimining samaradorligini oshirish	66
10.	Абдурахманов Ўрол Наврўз ўғли	Акциядорлик жамиятлари аудитида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш	71
11.	Sayfiddinov Sarvarbek Anvarbek o'g'li	Yoshlar biznes-loyihalarini moliyalashtirishda kredit va investitsiya resurslarining o'rni	80
12.	Shodiyev Yashnarbek Baxriddin o'g'li	Davlat moliyaviy nazoratini modellar va metodologik yondashuvlarini xalqaro standartlar asosida takomillashtirish	92
13.	Muydinov Baxodirjon Numanovich	Korxonalarda ichki auditni tashkil etish va takomillashtirish	101
14.	Mirzanov Zakir Maratovich	Paxta yetishtirish va qayta ishlash klasterlarida resurslardan foydalanish samaradorligini oshirish va iqtisodiy yo'qotishlarni kamaytirish	111
15.	Тожибоева Дилором	XXI ахборотлар асри – қарор қабул қилиш жараёнининг мураккаблашуви асри	116
16.	Нурхонов Комилжон Товкараевич	Яшил иқтисодиётга ўтиш йўллари ва устуворликлари	124
17.	Saydullayev Nodirbek Narzullayevich	Inflyatsion targetirlash sharoitida markaziy bank valyuta intervensiyalari strategiyasini takomillashtirish mexanizmlari	132





ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ ВА УСТУВОРЛИКЛАРИ

Нурхонов Комилжон Товкараевич

мустақил тадқиқотчи

Қариш давлат техника университети

E-mail: komilnurxonov1986@gmail.com

ORCID: 0009-0001-7839-2417

Аннотация. мақолада жаҳонда ва Ўзбекистонда табиий ресурслардан фойдаланишда вужудга келган экологик муаммоларнинг илмий-назарий ва амалий жиҳатлари тадқиқ этилиб, Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси ва давлат дастурининг устувор йўналишлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: экология, яшил иқтисодиёт, барқарор ривожланиш мақсадлари, ҳайвонот олами, стратегия, дастур, биосфера, энергетика.

ПЕРЕХОД К ЗЕЛЁНОЙ ЭКОНОМИКЕ ПУТИ И ПРИОРИТЕТЫ

Нурхонов Комилжон Товкараевич

независимый исследователь

Каршинский государственный

технический университет

ORCID: 0009-0001-7839-2417

E-mail: komilnurxonov1986@gmail.com

Аннотация. В статье исследованы научно-теоретические и практические аспекты экологических проблем, возникающих в процессе использования природных ресурсов в мире и Узбекистане, а также раскрыты приоритетные направления Стратегии перехода Узбекистана к «зелёной экономике» и государственной программы.

Ключевые слова: экология, зелёная экономика, цели устойчивого развития, дикая природа, стратегия, программа, биосфера, энергетика.

TRANSITION TO A GREEN ECONOMY WAYS AND PRIORITIES

Nurkhanov Komiljon Tovkaraevich

Independent Researcher

Karshi State Technical University

ORCID: 0009-0001-7839-2417

E-mail: komilnurxonov1986@gmail.com

Abstract. The article examines the scientific, theoretical, and practical aspects of environmental problems arising from the use of natural resources globally and in Uzbekistan. It also highlights the priority areas of Uzbekistan's Strategy for Transition to a “Green Economy” and the state program.

Keywords: ecology, green economy, sustainable development goals, wildlife, strategy, program, biosphere, energy.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”нинг устувор вазибалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-





4477-сон қарори доирасида “яшил” ва инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакатда “яшил” иқтисодиёт ва “яшил” иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича стратегик мақсадлар ва чора-тадбирлар амалга оширилишини самарали ташкил этиш, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун зарур ресурс ва имкониятлар билан таъминлаш, иқлим ўзгаришига доир масалаларда давлат хизматлари камровини кенгайтириш, “яшил” иқтисодиёт соҳасида аҳолининг иқтисодий фаоллигини ошириш орқали аҳоли ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш, шунингдек, ушбу йўналишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликдаги мувофиқлаштирилган сай-ҳаракатларини таъминлаш билан боғлиқ илмий тадқиқот натижаларини амалиётга кенг жорий этишга йўналтирилган. “Экологияни асраш, табиий ресурсларни тежаб ишлатиш, жумладан, сувдан оқилона фойдаланиш бўйича замонавий тизимларга ўтиш ишларини кучайтирдик. Мамлакатимизда “Яшил макон” дастури давом этмоқда”[1] деб Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодиётнинг иқлим ўзгаришига таъсирини хорижий тадқиқотчилар: В. Нордхаус, Пол Ромер, С. Ж.Тол Ричард, Э. Барбиер, Д. Пиарс, К.К. Рихтер, ва бошқалар ўз тадқиқотларида ишлаб чиқишган.

Барқарор иқтисодий ривожланиш моделлари: “яшил” иқтисодиёт, биоиктисодиёт, айланма иқтисодиёт, “жигарранг” иқтисодиёт ва бошқаларни рус олимлари Д.А. Агапов, С.Н. Бобилев, О.П. Бурматова, Э.О. Вегнер-Козлова, О.Ю. Ганюхина, А.В. Гребенкин, Э.М. Зомонова, Н.Ю. Нестеренко, Н.В. Пахомова, Т.А. Селишчева томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.В.Ваҳабов, А.Ўлмасов, С.В.Чепель, Х.П.Абулқосимов, Т.С.Расулов, Т.Т.Жўраев ва бошқаларнинг илмий изланишларида иқтисодий ўсиш назарияси ва экологик муаммоларни ўзаро боғлиқлигининг назарий жиҳатлари бўйича атрофлиқ тадқиқотлар олиб борилган.

Иқтисодий фанда эндоген иқтисодий ўсиш назарияси ва экологик муаммоларни ўзаро боғлиқлигини юқори ривожланиш даражасига олиб чиққан олимлардан бири Уильям Нордхаус ҳисобланади. Унинг “Интеграллашган баҳолаш моделида” (ИАМ) иқлим ўзгаришлари билан иқтисодий ўсиш моделини бир бири билан боғлади[2].

Рус олимлари Е. Лясковская ва К. Григорьева “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида “барқарор ривожланиш”, инклюзив ривожланиш”, “яшил” ва “жигар” ранг иқтисодиёт моделларини кўриб чиқишган[3].

Республикаимиз олимларидан Уразов Б.А., Холиков Д. Р. хулосаларига кўра яшил инфратузилма, жумладан, шаҳар парклари, яшил томлар, кўча дарахтлари ва қирғоқларни тиклаш ҳам яшил иқтисодиёт мақсадларига ҳисса қўшади[4].

Тадқиқот методологияси

Мақолада диалектик, тизимли, интеграл ва синергетик ёндашувлар, иқтисодий, мантикий, илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёслаш, умумлаштириш, гуруҳлаш ва жадвал усулларида фойдаланилади

Таҳлил ва натижалар

Жаҳон иқтисодиётида сўнгги асрда инсоният экологияга ва атроф-муҳит ҳолатига тўғри ғамхўрлик қилмасдан иқтисодий фаолият олиб борди ва ривожланди. Сайёрада шаҳарлар йириклашиб, аҳолиси 20–35 миллионли мегаполислар кўпайиб бормоқда. Бу энергоресурслар, айниқса, ёқилғига бўлган талабни кун сайин ўсиб бормоқда. Инсон омили туфайли охириги юз йилда ер шарида экин экиладиган ер майдони тўртдан бир қисмга, ўрмонлар учдан икки қисмга қисқарди. Бунинг натижасида дунё бўйича кейинги 30 йил ичида ҳайвонот оламининг 8–10 фоизи қирилиб кетди. Сайёрамизда тропик ўрмонлар 14 фоизни ташкил қилган бўлса ҳозирда унинг 6 фоизи қолди. Сўнги 50 йил ичида дунёда





аҳоли жон бошига тўғри келадиган ичимлик суви 60 фоизга камайди. Натижада бутун экотизимга антропоген тавсифдаги зарар етказилди, бу ҳолат инсоният истикболига таҳдид солмоқда. Шиддат билан ўзгариб бораётган жаҳон иқтисодиётида “яшил” иқтисодиётга ўтиш муҳим ҳаётий эҳтиёжга айланди.

Табиатдан фойдаланиш – бу жамият эҳтиёжларини қондириш учун табиий ресурслардан фойдаланиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва уни такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Бу кўпинча тенгсиз экологик алмашинувга олиб келади, натижада бунда айрим мамлакатларнинг хўжалик субъектлари фойда кўради, шу билан бирга уларнинг иқтисодий фаолиятининг салбий оқибатлари зараридан дунёнинг бошқа минтақалари ва мамлакатлари талофат кўради. Табиатдан фойдаланиш, бир томондан, минтақавий хусусиятга эга, чунки у маълум бир давлат ҳудудида содир бўлади, иккинчи томондан, у глобал хусусиятга эга, чунки унинг салбий оқибатлари дунёнинг бошқа мамлакатлари ва минтақаларига таъсир қилади. Шунинг учун ҳам табиий жараёнлар биосферанинг барқарорлигини таъминлайдиган экологик салоҳиятини истеъмол қилиш даражасига эришиш учун дунё мамлакатлари ўртасидаги мувофиқлаштирилган ўзаро ҳамкорлик зарур.

Мутахассисларнинг фикрича, “яшил иқтисодиёт” анъанавий “жигарранг иқтисодиёт”га қараганда қисқа муддатда ЯИМнинг ўсишини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг ортишини ва иш билан таъминланишни бир хил ёки ундан юқорироқ кўрсаткичда ошириши мумкин. Сўнгги пайтларда ўтказилган халқаро мунозаралар “яшил иқтисодиёт” тушунчасини аниқ ишлаб чиқиш, уни барча мамлакатлар манфаатлари нуктаи назаридан амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни чуқур таҳлил қилиш зарурлигини кўрсатади.

Иқтисодий фанда эндоген иқтисодий ўсиш назарияси ва экологик муаммоларни ўзаро боғлиқлигини юқори ривожланиш даражасига олиб чиққан олимлардан бири Уильям Нордхаус ҳисобланади. Унинг “Интеграллашган баҳолаш моделида” (ИАМ) иқлим ўзгаришлари билан иқтисодий ўсиш моделини бир бири билан боғлади. У.Нордхаус ишлаб чиқариш функцияси моделига икки янги ўзгарувчини киритди: табиий ресурслар ва экологик зарар. Табиий ресурслар ишлаб чиқариш функцияси моделида ишчи кучи, капитал, асосий фондлар каби ишлаб чиқариш омили сифатида олинган; экологик зарар бирдан кичик бўлган кўпайтирувчи бўлиб у ишлаб чиқариш ҳажмини камайтиради. Бу моделда барча омиллар технологик тараққиёт натижасида ўсиб борса экологик зарар эса бирдан кичик бўлган кўпайтирувчи ҳисобига атмосферани ифлосланиш даражасига қараб камайиб боради[5].

Рус олимлари Е. Лясковская ва К. Григорьева “яшил иқтисодиёт”га ўтиш жараёнида “барқарор ривожланиш”, инклюзив ривожланиш”, “яшил” ва “жигар” ранг иқтисодиёт моделларини кўриб чиқишган. Иқтисодиётнинг “жигар” ранг ривожланиш модели ХХ асрга ҳос бўлган ва энерго-ресурс сифими юқори бўлган анъанавий ишлаб чиқариш назарда тутилган. Унинг асосий салбий оқибатлари экологик муаммоларни кескинлашиши, табиий бойликларни самарасиз ишлатилиши, сув ресурслар, озик-овқат ва энергия танқислиги билан боғлиқ деб ҳисобланмоқда[6].

Республикаимиз иқтисодчим олимларидан Уразов Б.А., Холиқов Д. Р. хулосаларига кўра яшил инфратузилма, жумладан, шаҳар парклари, яшил томлар, кўча дарахтлари ва қирғоқларни тиклаш ҳам яшил иқтисодиёт мақсадларига ҳисса қўшади. “Яшил иқтисодиёт”ни ривожланишида хизматлап соҳасининг мйҳим йўналишларидан бири “экологик” тизмни ривожлантириш катта аҳамиятга эга[7]. Натижада, миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини оширишда имкониятларини кенгайтиради.

“Яшил иқтисодиёт”га ўтиш стратегияси йирик инвестицияларни (йилига ЯИМнинг 2 фоизигача) талаб қиладиган мураккаб жараён бўлиб, иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларига таъсир қилади[8]. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, “яшил иқтисодиёт” минтақавий ривожланишни рағбатлантиради, ижтимоий барқарорликка кўмаклашади,





“яшил иқтисодиёт” тармоқларида янги иш ўринларини яратиш орқали иқтисодий салоҳиятни оширишга эришиш мумкин.

“Яшил иқтисодиёт” инсоният ва табиатнинг барқарор ва мувозанатли ўзаро таъсирини таъминлашга қаратилган иқтисодий ривожланиш концепциясидир. “Яшил иқтисодиёт”нинг асосий ғояси атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш ва табиий ресурслардан унумли, барқарор фойдаланиш орқали бойлик яратиш ва аҳоли фаравонлигини таъминлаш ҳисобланади. Унинг мақсади табиий ресурсларни тежаш, ифлосланишни камайтириш, ҳозирги ва келажак авлодлар фаравонлигини таъминлайдиган барқарор иқтисодий моделларни яратишдир.

20-асрнинг охирида жаҳон ҳамжамиятида атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисидаги ташвиш кескин ўсди. Фақатгина ўтган асрнинг охирида мамлакатлар ўртасида ҳар бир давлат томонидан бозор иқтисодиёти шароитида экологик муаммоларни тартибга солишга қаратилган биринчи глобал шартнома имзоланди. Ушбу ҳужжат Киото протоколи деб аталади ва у фақат 1997 йилда қабул қилинган. Унинг мақсади атмосферага иссиқхона газлари чиқиндиларини тартибга солиш ва уларни аста-секин атроф-муҳитга ва айниқса иқлимга ҳалокатли таъсир кўрсатмайдиган даражага камайтириш эди, бу эса сайёра учун кейинчалик ҳалокатли бўлиши мумкин бўлган ҳароратнинг пасайишига йўл қўймасликдир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит ассамблеяси атроф-муҳит масалалари бўйича қарор қабул қилувчи халқаро ташкилотдир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015-йил 25-сентябрдаги “Бизнинг дунёмизни ўзгартириш: Барқарор ривожланиш бўйича 2030-йилгача кун тартиби” декларацияси катта аҳамиятга эга бўлиб, унда 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) белгилаб берилган. Улар орасида экологик барқарор ривожлантиришнинг 5 та асосий мақсади мавжуд (1.расм):



1.Расм. Экологик барқарор ривожлантиришнинг 5 та асосий мақсади[9].

Экологик барқарорлик - бу барқарор таркибий тузилмани функцияларини экотизимнинг ички ва ташқи омиллар таъсиридан ташкилий тамойилларини сақлаб қолиш қобилиятидир. Ишлаб чиқилган БРМлари ҳозирги ва келажак авлодлар учун тенг экологик манфаатлар тамойилига асосланади. Барқарор ривожланиш табиий экотизимлар ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар ўртасидаги яқин алоқадорлик муносабатларни ўз ичига олади. Шу билан бирга, инсонлар асосий бўғиндир, чунки улар глобал биосфера тизимидаги ўз ролини аниқлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш учун уни сақлаш ва бошқариш учун жавобгардир.

Олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ҳавонинг ифлосланиши коронавирус инфекциясидан ўлим кўпайишига ҳисса қўшган. 2020-йилдаги





карантин ва изоляция даврида дунё бўйлаб кўпчилик саноат корхоналари ўз фаолиятини тўхтатди, бу эса атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарилишининг умумий 5,8 фоизга қисқаришига олиб келди, чунки энергияга бўлган талаб 4 фоизга қисқарди. Бу даврда экологик вазият сезиларли даражада яхшилана бошлади, карбонат ангидрид миқдори охирги марта фақат иккинчи жаҳон уруши даврида қайд этилган рекорд даражага кескин пасайди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Атроф-муҳит бўйича дастурида “яшил” иқтисодиёт ижтимоий адолатни шакллантириш ва ривожлантириш, инсонлар турмуш фаровонлигини ошириш, экологик муаммоларни камайтириш ва иқлим фалокати хавфини камайтиришга мўлжалланганлигини таъкидлайди. Шунинг учун бундай иқтисодиёт ресурстежамкор кам углеродли ва ижтимоий инклюзив бўлиб ҳисобланади ва “Яшил иқтисодиётга” киритилган йўналишларни ўз ичига олади.



2.Расм. “Яшил иқтисодиётга” киритилган йўналишлар[10].

Шундай қилиб, яшил иқтисодиёт ва рақамли иқтисодиёт замонавий иқтисодий трансформациянинг асосини ташкил этади. Рақамлаштириш - тўртинчи саноат инқилобининг асосий элементи бўлиб, яшил сектор эса яшил саноат инқилобига эришиш учун асосдир. Бу икки соҳа барқарор ривожланиш концепциясининг уч жиҳати ўртасида яхлит интеграциялашувчи ролни бажаради.

“Яшил” иқтисодиёт йўналиши бугунги кунда устувор ва энг истиқболли йўналишлардан бири ҳисобланади, шунинг учун деярли барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўз режалари, мақсадлари, вазифалари, иқтисодий трансформациялар ва яшил технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш, инфратузилма, транспорт тизимини янгилаш, биоёқилғи ва ёпиқ цикл форматида ишлайдиган экологик тоза корхоналар яратиш ва қайта қуриш инструментлари ва усуллариغا эга.

Ўзбекистонда “Яшил иқтисодиёт сари” илдам ҳаракат қилган ҳолда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда кенг қўламли тараққиёт сари юксалишлар, стратегиялар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарорига асосан қабул қилинган “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш” дастурида[11]. Иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоли масалалар мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига, хусусан, иқтисодий ўсиш ва камбағалликни қисқартириш, экологик ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади. Шундан келиб чиқиб, ушбу йўналишда мамлакатда иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш ва унга мослашиш, «яшил» иқтисодиётга ўтиш чораларини жадаллаштириш, «яшил» ва инклюзив





иктисодий ўсиш моделини тарғиб қилишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, мамлакатда «яшил» иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, «яшил» инвестицияларни жалб қилиш, экологик инкирознинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори билан 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси[12] тасдиқланди.

2021 йил ноябрь ойида бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши бўйича доиравий конвенциясининг 26-йиғилишида (COP-26) Ўзбекистон Республикаси томонидан Париж битими доирасида 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот бирлигида иссиқхона газлари эмиссиясини 2010 йилги кўрсаткичларга нисбатан 35 фоиз камайтириш бўйича қўшимча мажбуриятни ўз зиммасига олиши ҳақида баёнот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси жорий йилнинг май ойида 2030 йилга қадар метан эмиссиясини 2020 йилга нисбатан камида 30 фоизга камайтириш бўйича мамлакатларнинг жамоавий мақсадга эришиши бўйича глобал мажбурият тўғрисидаги ташаббусга (Глобал Метҳане Пledge) қўшилди.

Коронавирус пандемияси ва иқлим ўзгариши туфайли юзага келаётган салбий ҳолатларнинг сабоқлари иқтисодий ўсишни таъминлашда янада барқарор манбалар ва ёндашувларни қайта кўриб чиқиш, хусусан, мамлакатда «яшил» иқтисодиёт ва «яшил» иқтисодий ўсиш бўйича стратегик мақсадлар ва чора-тадбирлар амалга оширилишини самарали ташкил этиш заруриятини кўрсатмоқда.

1-жадвал.

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлари

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчо в бирл иги	2022 йил	2024 йил	2026 йил	2028 йил	2030 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиغان энергия ҳажмини камайтириш (2021 йилга нисбатан)	%	5,0	14,0	22,0	27,0	30,0
2.	Саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улуши	%	26,0	25,0	23,0	21,0	20,0
3.	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини кенгайтириш (гидроэнергетика билан бирга)	%	8,0	9,0	24,3	29,0	30,5
		кВт/с	6,5	8,6	25,0	34,0	40,7
4.	Кичик қувватли куёш фотоэлектр станцияларини қуриш	МВт	10,0	150,0	400,0	800,0	1500,0
5.	Яхшилланган ичимлик сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга аҳоли, жами аҳоли сонига нисбатан	%	69,7	80,93	87,12	88,5	90,0
6.	Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт ва буталар захираларини кўпайтириш	млн.м ³	64,2	68,1	77,0	85,5	92,3
7.	«Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни кенгайтириш (аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан)	%	8,3	12,4	15,8	23,8	30,0
8.	Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси	%	30,0	40,0	50,0	60,0	65,0





“2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш» стратегиянинг асосий мақсади мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотларга «яшил» иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигига имкон берувчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат. Стратегияда 2030 йилга келиб Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичларини белгилаб берилган.

Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш зарур:

- технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;
- давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш;
- таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;
- «яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Стратегияни амалга ошириш иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш соҳасида бошқарувни яхшилашга, табиий ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишга, иссиқхона газларининг ажратмаларини камайтиришга, «яшил» энергиядан фойдаланишни таъминлашга, «яшил» иш ўринлари яратишга ва иқлим барқарорлигига эришишга хизмат қилади.

Хулоса сифатида стратегия республика иқтисодиётининг рақобатбардошлигини, молиявий барқарорлигини, энергетик ва экологик хавфсизлигини ошириш, шунингдек, энергия тежаш салоҳиятини кўтариш, модернизация қилиш, технологик ривожлантириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш орқали аҳоли турмуш даражасини ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга қаратилган. Стратегияда белгиланган чора-тадбирларнинг ижросини таъминлаш билан иқтисодиёт тармоқлари ва фаолият турлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг энергия сифими кўрсаткичини 2026 йилга келиб 2022 йилга нисбатан 20 фоизга камайтиришга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз уч йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. “Халқ сўзи” гезетаси 2024 йил 1 сентябрь.

2. Nordhaus, 2017a. Integrated assessment models of climate change. NBER Reporter, No. 3, pp. 16—20.

3. Лясковская, Е.А., Григорьева К.А. Формирование «зеленой» экономики и устойчивость развития страны и регионов. // Вестник ЮУрГУ. Серия «Экономика и менеджмент». - 2018. - Т. 12, № 1. - С. 15-22.





4. Уразов Б.А., Холиқов Д. Р. Ў. Республикамизда мавжуд эркин иқтисодий зоналарнинг пайдо бўлиши ва аҳамияти //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 266-270.
5. Nordhaus W. (2017b). Projections and uncertainties about climate change in an era of minimal climate policies. NBER Working Paper, No. 22933
6. Chapple K. Defining the Green Economy: A Primer on Green Economic Development // Berkeley: The Center for Community Innovation (CCI) at UC-Berkeley. - 2008. - P. 66.
7. Худаяров А.А., Пирматов Х.Р. Воздействие туризма на национальную экономику Индонезии //Сборники конференций НИЦ Социосфера. 2014. – №. 39. – С. 262-265.
8. Маматов Мамажон Ахматжанович, «ЗЕЛЕНАЯ ЭКОНОМИКА» И «ЗЕЛЕНЫЙ РОСТ» “Yashil iqtisodiyot”ga o’tishda qayta tiklanuvchi energiya manbalari: muammo va zamonaviy yechimlar. yosh olimlar, doktorantlar, mustaqil tadqiqotchilar, magistrant va iqtidorli talabalarning Respublika ilmiy-amaliy konferensiya materiallari to’plami. Гулистон. ГулДУ, 2024-yil. 54 стр
9. Барқарор ривожланиш мақсадлари // БМТ: <https://www.un.org/> .асосида муаллиф томонидан тузилди.
10. Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон қарорига асосан қабул қилинган “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш” дастури.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 октябрдаги ПҚ-4477-сон қарори билан 2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси.

